



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 23 yil « 18» oktabr № 548

Toshkent sh.

### **Солиқ органлари томонидан айрим солиқ ҳисоботларини шакллантириш тартиби жорий этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Республикада солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, солиқ юкени изчил камайтириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган солиқ ислохотлари доирасида Хоразм вилоятида тажриба тариқасида айрим солиқ турлари бўйича солиқ ҳисоботларини солиқ органлари томонидан автоматик тарзда ҳисоблаб чиқариш ва шакллантириш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ–471-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, солиқ тўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 81-моддасига мувофиқ **солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботи унинг танловига кўра солиқ органлари томонидан тузилиши мумкинлиги белгиланганлиги;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ–6307-сон Фармониغا мувофиқ **Хоразм вилоятида солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, айланмадан олинандиган солиқ ва юридик шахслардан олинандиган ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботлари солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилиши ва шакллантирилиши бўйича тажриба ўтказилганлиги;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ–471-сон қарорида Хоразм вилоятида ўтказилган тажрибадан келиб чиқиб, айрим солиқ ҳисоботларини **солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқариш ва шакллантириш имкониятини кенгайтириш** чораларини белгилаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**2024 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчиларнинг танловига кўра қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича солиқ ҳисоботларини солиқ органлари томонидан автоматик тарзда шакллантириш тартибни жорий этиш;**

сотув чекларини расмийлаштиришдаги **техник хатоликларга тузатиш киритиш муддатини** кейинги солиқ ҳисоботларини топшириш даврига қадар **узайтириш;**

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номларига тузатишлар киритиш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 18 октябрдаги 548 – сон қарорига  
илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарорида:

а) 1-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “3-иловага мувофиқ тасдиқлансин” сўзлари “3-иловага мувофиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Солиқ тўловчининг танловига кўра солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 3<sup>1</sup>-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) 1-иловада:

3, 5, 64, 67, 68, 70, 75, 76 ва 82-бандлардаги “давлат солиқ” ва “Давлат солиқ” сўзлари тегишлича “солиқ” ва “Солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги “Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат солиқ қўмитаси)” сўзлари “Солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – Солиқ қўмитаси)” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 2-5 ва 7-11-босқичлари “Тадбирлар” ва “Субъектлар” устунларидаги “ЙСТБХДСИ”, “давлат солиқ” ва “Давлат солиқ” сўзлари тегишлича “ЙСТБХСИ”, “солиқ” ва “Солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошиси, 5, 7, 9 ва 10-бандларидаги “Давлат солиқ” сўзлари тегишлича “Солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

2, 3 ва 4-иловаларнинг матнидаги “давлат солиқ инспекцияси” сўзлари “солиқ инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-иловадаги “ДСИ” қисқартмаси “солиқ инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарорига  
3<sup>1</sup>-илова

**Солиқ тўловчининг танловига кўра солиқ органлари томонидан  
солиқ ҳисоботини шакллантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом солиқ тўловчиларнинг танловига кўра солиқ органи томонидан қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинadиган солиқ (қатъий белгиланган суммадаги солиқни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар бундан мустасно) ҳамда юридик шахслардан олинadиган мол-мулк ва ер солиқларининг солиқ ҳисоботини (кейинги ўринларда – солиқ ҳисоботи) шакллантириш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари солиқ тўловчининг ташаббуси билан ёки солиқ текширувлари натижасида қайта аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш ҳолатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Солиқ тўловчининг ташаббуси билан ёки солиқ текширувлари натижасида қайта аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ички манбалар** – солиқ тўловчилар тақдим этган солиқ ва молиявий ҳисоботлар, ўтказилган хронометраж, солиқ мониторинги, кўздан кечириш ва солиқ текшируви натижаларига оид солиқ органларининг ахборот тизимларида, шунингдек, электрон ҳисобварақ-фактура, онлайн назорат-касса техникаси, электрон тўлов чеклари, солиқ органларининг “E-*imtiyoz*” дастури ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган маълумотлар;

**ташқи манбалар** – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ солиқ органларига маълумотлар тақдим этиш мажбурияти юкланган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари;

**солиқ тўловчининг танлови** – тегишли солиқ ҳисоботларини ўз хоҳиши ёки солиқ органлари томонидан шакллантиришга (тузишга) нисбатан бўлган ҳуқуқ;

**солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботи** – ички ва ташқи манбалар асосида солиқ органлари томонидан автоматик равишда шакллантирилган, жорий солиқ даври учун солиқ тўловчилар ва солиқ агентларининг солиқ мажбуриятларини аниқлашга асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар.

## **2-боб. Солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботини шакллантириш тартиби**

3. Солиқ ҳисоботларининг кўрсаткичлари ички ва ташқи манбалар маълумотлари асосида солиқ турлари кесимида шакллантирилади.

Бунда мазкур Низомга иловада келтирилган схемада назарда тутилган муддатларга қадар ҳисоботни топширган солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетига қайта шакллантирилган ҳисобот юборилмайди.

4. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган манбалардан ташқари солиқ ҳисоботларини шакллантириш учун зарур кўрсаткичлар солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетларидаги интерактив хизматлар орқали шакллантирилади.

5. Солиқ ҳисоботларида келтирилган сатр маълумотлари ҳамда ички ва ташқи манбалар маълумотлари асосида автоматик тарзда шаклланган кўрсаткич рақамлари формула орқали аниқланади.

6. Янги ташкил этилган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танлаган солиқ туридан келиб чиққан ҳолда, қўшилган қиймат солиғи ёки айланмадан олинadиган солиқ ҳисоботи солиқ органлари томонидан шакллантирилади.

7. Солиқ кодексининг 268-моддасига асосан ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси солиқ тўловчининг танловига кўра алоҳида-алоҳида усулда ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

Бунда солиқ ҳисоботи мутаносиб усул бўйича солиқ органи томонидан автоматик равишда шакллантирилади ҳамда алоҳида-алоҳида усулни танлаш ва кўрсаткичларни киритиш имконияти яратилади.

8. Мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ даврида солиқ базасида (ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси) ўзгариш бўлганда ёки солиқ бўйича мажбуриятлар юзага келганда, шунингдек, янги мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганда, юридик шахслар Солиқ кодексига белгиланган тартибда солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этади.

9. Мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботлари солиқ органлари томонидан ушбу солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар деб эътироф этилганлар учун шакллантирилади.

## **3-боб. Солиқ органи томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботини солиқ тўловчи томонидан тасдиқлаш тартиби**

10. Солиқ ҳисоботларини солиқ органлари томонидан шакллантириш, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юбориш ушбу Низомга иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

11. Солиқ тўловчи ёки унинг ваколатли вакили солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботининг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайди ёхуд эътирозлари мавжуд бўлса, солиқ ҳисоботини қайта ишлайди ва солиқ органларига тақдим этади.

#### **4-боб. Солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботиغا ўзгартиришлар киритиш**

12. Солиқ органлари томонидан ушбу Низомнинг 3-бандига асосан шакллантирилган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг камайишига (ўзгаришига) олиб келган ҳолатлар юзага келганда, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар ва (ёки) хатолар аниқланган, шунингдек, солиқ тўловчининг ҳисоб ҳужжатларига кўра солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларда ёки солиқ базасида фарқ юзага келган тақдирда, солиқ тўловчи томонидан ушбу солиқ ҳисоботиغا зарур тузатишлар киритилади ва ҳисобот солиқ органларига тақдим этилади.

13. Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг ёки солиқ агентининг зиммасига юкланади.

Бунда солиқ органлари солиқ ҳисоботининг шакллантирилиши ҳамда расмийлаштирилиши юзасидан солиқ тўловчига батафсил тушунтириш бериши шарт.

14. Агар текширувдан олдинги таҳлил чоғида солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботи билан солиқ органидаги янгиланган маълумотлар ўртасида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланса, солиқ тўловчи ушбу солиқ ҳисоботиغا зарур тузатишларни киритиши ва солиқ органларига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши лозим.

#### **5-боб. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари**

15. Солиқ тўловчилар:

ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган манбалардан ташқари солиқ ҳисоботларини шакллантириш учун зарур бўлган кўрсаткичлар рақамларини солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетларидаги интерактив хизматлар орқали ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай киритиши;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши учун солиқ имтиёзларини солиқ органларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, солиқ имтиёзларининг ҳар бир турига махсус идентификация коди асосида ҳисобга олиши лозим, товар (хизмат)ларга берилган имтиёзлар бундан мустасно;

солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботлари тўғрилиги ва тўлиқлиги бўйича тасдиқлагандан сўнг ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатлар юзага келганда, зарур тузатишлар киритмаганликлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

#### **6-боб. Солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботини қабул қилиш тартиби**

16. Солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботларини солиқ ҳисоботини топширишнинг Солиқ кодексида белгиланган муддатидан кечиктирилмаган ҳолда, солиқ тўловчилар томонидан шахсий кабинети орқали тасдиқлаши лозим.

17. Солиқ тўловчиларга солиқ органлари томонидан тузилган солиқ ҳисоботлари қабул қилинганлигини шахсий кабинети орқали аниқлаш имконияти яратилади.

### 7-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Солиқ органлари солиқ тўловчилар томонидан солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз муддатларида тўланишининг тўғрилигини назорат қилади.

19. Солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботлари ушбу Низомнинг 11-бандига асосан солиқ тўловчи томонидан белгиланган муддатларда тасдиқлаш ёки қайта ишланган солиқ ҳисоботини тақдим этиш таъминланмаган ҳолларда, солиқ тўловчини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод этмайди.

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Солиқ тўловчининг танловига кўра  
солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботини  
шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

### Солиқ органи томонидан солиқ ҳисоботини шакллантириш ҳамда солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботини тасдиқлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Солиқ органлари	Қуйидаги солиқ турлари бўйича ички ва ташқи манбалар асосида келиб тушган маълумотларни умумлаштиради: кўшилган қиймат солиғи; айланмадан олинадиган солиқ;  мол-мулк ва ер солиғи;  қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ер солиғи бўйича.	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг <b>11-санасига</b> қадар  Жорий солиқ даврининг <b>15 январига</b> қадар  Жорий солиқ даврининг <b>10 апрелига</b> қадар
2-босқич	Солиқ органлари	Солиқ ҳисоботларини шакллантиради.	Маълумотлар умумлаштирилгандан сўнг <b>1 кун</b> ичида
3-босқич	Солиқ органлари	Шакллантирилган солиқ ҳисоботини солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборади.	Солиқ ҳисоботлари шакллантирилгандан сўнг <b>1 кун</b> ичида
4-босқич	Солиқ тўловчи	Солиқ органи томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботини тасдиқлайди.	Шахсий кабинетига солиқ ҳисоботи келиб тушгандан сўнг

	Эътирозлар мавжуд бўлганда, солиқ ҳисоботини қайта ишлайди ва солиқ органларига тақдим этади.	шу солиқ тури бўйича ҳисобот топшириш муддатида
--	---	---

”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-банднинг бешинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

38<sup>1</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38<sup>1</sup>. Илгари амалга оширилган ҳисоб-китобларга ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган ҳолларда, фойдаланувчи томонидан тузатувчи касса чеки шакллантирилади.

Тузатувчи касса чеки фойдаланувчи томонидан илгари онлайн-НКМдан фойдаланмасдан ҳисоб-китоб қилган ҳолларда, онлайн-НКМдан фойдаланиш мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ёки онлайн-НКМдан ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда фойдаланилганда шакллантирилади.

Касса чекига маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификациялаш кодлари, маҳсулотнинг (товар, хизмат) ўлчов бирлиги, сони ва суммаси бўйича тафовут аниқланган ойдаги қўшилган қиймат солиғи ёки айланмадан олинadиган солиқлар бўйича солиқ тўловчилар учун тегишинча солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларигача тузатиш киритилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 257-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”;

б) 1а-иловага иловадаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова 6-бандининг йигирма тўртинчи хатбошисидаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

2 ва 12-бандлардаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

иловадаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-иловада:

2-банддаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;



1-иловадаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловадаги Аризада “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

